# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 2-iyun № 67 (3104) shanba


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўзгартирилиб, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо улар учун имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентларнинг республикадаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисидаги аризалари, тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2012 йилнинг 10 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни, ушбу қарорнинг 1-бандида баён этилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республиканинг олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар бериш чоғида тегишли тартиб ўрнатилиши учун шахсан жавобгар эканликлари, тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилишини назарда тутишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.А.Муҳитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 31 май

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ






# Асосий мезон – ижтимоий ҳимоя

**ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича семинар тренинг бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ахборот марказлари раҳбарлари, маслаҳат комиссияси аъзолари, муассис ва ҳомий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.**

Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида кам таъминланган оилалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларга консултатив, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган. У мамлакатимиздаги ўнта нодавлат ташкилоти томонидан имзоланган ҳамкорлик келишуви асосида йўлга қўйилган лойиҳа сифатида фаолият юрита бошлади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Меҳр нури» жамоат жамғармаси, Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази шулар жумласига киради.

Жорий йилнинг ўтган даврида лойиҳа дирекцияси офислари ва мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари ташкил этилди. Марказлар ҳамда офислар муассис ташкилотлар томонидан зарур жиҳозлар ҳамда коммуникация воситалари билан таъминланди. Кадрлар масаласи ҳал этилди. Форумнинг ахборот марказлари раҳбарлари, ННТлар фаоллари ҳамда турли идора вакилларидан иборат Республика дирекцияси ҳамда ҳудудий жамоатчилик кенгашлари шакллантирилди.

Ҳозирда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари асосан уч йўналиш бўйича иш олиб бормоқда.

Биринчиси — фуқароларни турли масалалар бўйича бепул мутахассис маслаҳати билан таъминлаш, консултациялар бериш, уларнинг муаммолари ечимига йўналтириш ва шу жараёнда бевосита иштирок этишдан иборат. Жумладан, меҳнат масалалари, саломатликни тиклаш, таълим, микрокредитлар, турар жой, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан таъминлаш, уларга тўй-маъракалар ўтказиш, даволаниш учун моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда бошқа масалаларда кўмаклашишни айтиб ўтиш мумкин. Бунда хусусий тадбиркорлик субъектлари, давлат ҳокимияти органлари, йирик корхоналар, муассис, ҳомий, хорижий ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ижтимоий масъулиятли тадбиркорлар қатламини шакллантириш алоҳида ўрин тутади.

Иккинчиси — ижтимоий аҳамиятга эга бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларнинг ижтимоий инфраструктурасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилувчи, аҳолига қулайликлар берадиган лойиҳаларни амалга оширишга ёрдамлашиш. Бу асосан ёшлар, коллеж, академик лицей битирувчилари, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг лойиҳаларига алоҳида эътибор бериш, кичик корхона, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган фабрикалар, оилавий тадбиркорлик субъектларини барпо қилиш учун ижтимоий фаол, масъулиятли фуқароларни ер майдони, зарур ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш кабиларни ўз ичига олади. Ушбу жараёнда Ўзбекистоннинг ижтимоий масъулиятли фуқаролари маҳаллий ҳокимият, вазирликлар, тижорат ва давлат банклари, ҳомий ташкилотлар кўмагига таянади.

Учинчи йўналиш эса фуқароларнинг ижтимоий ғояларини қўллаб-қувватлаш, хусусан, ҳудудларни тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, экология билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда кўриб чиқиш кабиларни ташкил этади. Бунинг учун давлат бюджети, банк кредити ёки хусусий тадбиркорлик субъекти, бир ёки бир нечта ҳомий ҳисобидан маблағлар ажратилишига эришиш кўзда тутилган.

— Шу кунгача ахборот марказларига фуқаролардан 904 та ариза келиб тушди, — дейди семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми раҳбари Азиза Хўжаева. — Шулардан 673 таси бўйича ҳамкор ташкилот етакчи мутахассислари томонидан маслаҳатлар (консультациялар) берилган бўлса, 127 таси ташкилий-ҳуқуқий кўмак бериш учун мутасадди ташкилотларга йўналтирилди. Хусусан, бизнес лойиҳалар бўйича қўшимча иш ўринларини яратган ҳолда бизнесни ривожлантириш, кенгайтириш, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган тадбирлар, кам таъминланган оилалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар ўтказишга қаратилган 314 та, ижтимоий лойиҳалар бўйича асосий мақсади қишлоқ, туман, шаҳарда ижтимоий, маданий-маиший объектлар инфратузилмасини яратиш, таълим ва спорт объектларини барпо этишга қаратилган 491 та сўровнома-ариза кўриб чиқилди.

Семинарда ҳудудий экспертлик гуруҳларида бизнес лойиҳалар бўйича 57 та ва ижтимоий лойиҳалар юзасидан 72 та сўровнома-ариза ўрганилаётгани, бизнес лойиҳалар асосида 318 та ва ижтимоий лойиҳалар бўйича 355 та маслаҳат ёрдами берилгани, 57 та бизнес лойиҳа ва 72 та ижтимоий лойиҳа якуний қарорга келиш босқичида эканлиги таъкидланди.

Лойиҳанинг веб-сайти яратилган бўлиб, унда лойиҳа тўғрисида тўлиқ ахборот, ННТлар фаолияти билан боғлиқ, хусусан, ҳудуддаги янгиликлар жойлаштирилиб борилмоқда. Адлия вазирлигида тасдиқлатиш учун ННТнинг логотипи ва қисқа номланиши эскизлари тайёрланди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий масъулиятли фуқаролари Элликқалъа туманида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали доирасида Нукус шаҳрида ўтказилган давра суҳбатида қорақалпоғистонлик 6 нафар тадбиркорга имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширган.

ННТнинг вазифаларидан бири — амалга оширилаётган лойиҳалардан узоқ муддатли самара, жамият учун максимал фойда олиш. Бунинг учун лойиҳа ижрочиларига тизимли, доимий равишда маъмурий кўмаклашиш, бошқарув ёрдами кўрсатишга эътибор қаратилади.

Маҳалла, туман ёки шаҳардаги аҳвол учун масъулиятни ҳис қилаётган, давлат мавжуд муаммоларни ҳал қилишини кутмай, уларни хайрия ёки шахсан иштирок этиш орқали ҳал қилишга интилаётган ижтимоий масъул фуқаролар ҳуқуқий-маслаҳат ёрдами олиш учун ҳудудий ахборот марказларига мурожаат қилиши мумкин. Бу ерда лойиҳа ҳамкорларининг навбатчи экспертлари томонидан суҳбат ўтказилади, маслаҳат берилади ва сўровнома-аризалар тўлдирилади. Моҳиятига кўра ННТ мақсадларига мос келадиган мурожаат ва аризалар ташкилий ёрдам кўрсатиш учун танлаб олинади.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2012 йил 5-6 июн кунлари расмий ташриф билан Хитойда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашув ва музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6-7 июн кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги Саммити ишида иштирок этади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

***Оила ва жамият — тараққиётнинг ажралмас икки ҳалқаси. Оилаларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги жамият қудратини оширади. Кучли жамият эса маънан етук, соғлом оилалардан таркиб топади.***

## Оила соғлом – жамият мустаҳкам

ЎзКУФКнинг катта мажлислар залида Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган «Оила — жамиятнинг асосий таянчи» мавзуидаги илмий-амалий конференциясида бу ҳақиқат яна бир карра ўз исботини топди. Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгашлари раислари ҳамда фаоллар иштирок этди.Марказий кенгаш раиси F. Зунунов конференцияни очар экан, жумладан, шундай деди:

— Оила барча эзгуликларнинг муқаддимасидир. Ҳар бир инсон ўз бахтини, аввало, оиласи билан боғлайди. Президентимизнинг 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб номлаши барчамизни қувонтирди. Шу билан бирга зиммамиздаги масъулиятни ҳам бир неча баробарга оширди. Айниқса, оилани ва унинг кўрки бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фаолиятимизда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Омон бўлинг,

# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 2-iyun № 67 (3104)

ТАРБИЯ — САОДАТДИР







## Бахтли болалик

*Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда таълим тизимининг бошланғич нуқтаси ҳисобланмиш мактабгача таълим муассасалари алоҳида ўрин тутади.*

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Бойчечак» номли 53-МТМда олиб борилаётган ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Бу ерда спортнинг бадиий гимнастика, шашка, баскетбол, каратэ турлари, рақс, моҳир қўллар, инглиз тили ва бадиий ижод бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу тўгаракларда болажонларнинг шуғулланиши учун барча шароит яратилган. С.Абдуллаева олиб борадиган логопед машғулотлари ҳам сезиларли натижаларини бермоқда.

— Болажонлар билан ишлаш ўзгача масъулият талаб этади, — дейди МТМ мудираси Дилором Каримова. — Бунинг учун, энг аввало, уларнинг қалбига кириб бориш зарур. Муассасамизда бунга алоҳида эътибор қаратилади. Фарзандларимизни мактабга тайёрлашда илғор тарбия усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. М.Умархонова, О.Абдулниёзова, С.Қиличева, М.Абдуллаева каби тарбиячиларимиз 160 нафар болажоннинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишида фидойилик кўрсатиб келишмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

**Ф.МАМАШАРИПОВ олган суратлар**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ТУРИЗМ

*Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши томонидан қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Саёҳатга тизимда фаол меҳнат қилаётган ибратли оилалардан 25 та жуфтлик олиб борилди.*

## Таассурот



Ўзбекистон тарихи Давлат музейи лектор экскурсаводи Алишер Назаров сафар давомида юртимизнинг бой тарихи, унинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириб борди.

Тарихий обидаларда тарихшунос олимлар, филологлар, санъатшунослар иштирокида ўтказилган «Маънавият соатлари» саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, «Самарқанд оқшоми» сайри ташкил этилиб, «Регистон» майдонида чет эллик меҳмонлар билан ҳамкорликда маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Ушбу саёҳат бир умр ёдимиздан чиқмайдиган бўлди, — дейди Юқоричирчиқ тумани 10-мактаб ўқитувчилари бўлмиш Абдураимовлар оиласи.

— Биз каби ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибордан жуда мамнунмиз. Бунинг учун касаба уюшмаси вилоят кенгашига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, — дейди Зангиота тумани 67-мактаб ўқитувчилари — Султоновлар оиласи.

Вилоят кенгаши «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг туризмни ривожлантириш борасидаги қароридан келиб чиқиб, навбатдаги саёҳат йўналиши қадимий ва кўҳна Хоразм вилоятига белгиланган.

**Ш.РАМАЗОНОВ**

## Самарқанд яна ром этди

*Касаба уюшмалари ташаббуси билан «Бекобод деҳқон бозори» ва «Бекобод савдо комплекси» масъулияти чекланган жамиятлари ўн тўрт нафар ишчи-ходимининг қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.*

— Шаҳар янада гўзаллашиб, маҳобатли бўлиб кетибди, — дейди «Бекобод савдо комплекси» ҳисобчиси Феруза Маҳмудова. — Мустақиллик йилларида барпо этилган муҳташам иморатлар тарихий қадамжолар билан шу қадар уйғунлашганки, лол қолмай илож йўқ.

Бозорлари тўкин мамлакат ҳеч қачон завол кўрмайди. Самарқанднинг жаҳонга машҳур Сиёб бозорини айланганларида, саёҳатчиларнинг кўнгилларидан шу гаплар ўтди. «Бекобод деҳқон бозори» МЧЖ ҳам келгусида Сиёб каби тараққий этса ажабмас.

**Дилдора ИСМОИЛОВА,**
**Бекобод шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси**

Маданият хабарлари

***Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Ўзбекистон, сени куйлайман» номли санъат фестивали ўтказилди.***

## Юрт мадҳи

Унда тизимга қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилувчи 18 нафар иштирокчи истеъдодини намойиш этди. Ҳаваскорларнинг гўзал қўшиқ ва шеърлари, жозибадор рақслари томошабинларга ўзгача завқ улашди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан Дилором Раҳимбоева ашула, Тошкент шаҳар солиқ идоралари вакили Гавҳар Бойматова рақс, Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан Дилноза Тошпўлатова, Баҳодиржон Валиев монолог, саҳна кўриниши йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Учрашув

Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов 80 ёшни қаршилади. Шу муносабат билан Хоразм вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида санъаткор билан ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Айниқса, вилоят мусиқали драма театри, Феруз номидаги маданият саройи, Қўшкўпир, Урганч, Янгиариқ, Хонқа, Янгибозор, Боғот ва Гурлан туманларида ўтган учрашув ва давра суҳбатлари барчада катта таассурот қолдирди.

Шовот тумани К.Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи амфитеатридаги учрашув кечаси «Мафтуниңгман» кинофилмидаги қўшиқ билан бошланди. С. Девонов ўз ҳаёт йўли ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб берди.

**Мухтасархон КАРИМОВА,**
**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

## Беш ойда учта қўлланма



Нобел мукофоти тўғрисида нима биласиз? Альфред Нобелнинг ўзи ҳақида-чи? Балки сизни ушбу мукофотга биринчи бўлиб қайси мамлакатдан кимлар эга бўлгани, 1901-2000 йилларда Нобел мукофоти олган ёки ундан нима учундир воз кечган адиблар қизиқтирар?! Яқинда нашрдан чиққан **«Нобел мукофоти олган адиблар»** қўлланмаси ушбу саволларга батафсил жавоб беради.

Узлуксиз таълим тизими ўқитувчиларига мўлжалланган **«Ўқувчи экологик тафаккурини фанлараро шакллантириш»** номли мўъжаз рисолада эса биология фанини физика билан синхрон ва асинхрон тарзда боғлаб, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчи экологик тафаккурини шакллантиришнинг ноанъанавий услублари ҳақида гап боради. Хусусан, мавзуга доир 15 та дарс ишланмаси замонавий таълим технологиялари асосида тадқиқ этилган.

Ҳар бир раҳбарнинг иш столи устида туриши лозим бўлган кейинги рисола **«Раҳбар ва раҳбарлик хусусиятлари»** деб номланади. Зеро, унда айтилгани каби: «Бирданига тушуниб етиш, ҳис қилиш мумкиндир. Аммо раҳбарлик хусусиятлари бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Раҳбар аста-секин шаклланади». Бу йўлда эса ушбу қўлланма беминнат ёрдамга ҳозирдир.

Шуниси таҳсинга лойиқки, учала китобча жорий йилнинг беш ойи ичида «Dizayn press» MChJ нашриётида чоп этилди. Албатта бунда муаллифлар — Ю.Маҳмудов, А.Холиқов, Э.Холмирзаев, Ф.Жумаева ҳамда З.Холмирзаевнинг ҳамкорликда ишлагани ўз самарасини берган. Ҳар учала рисолани кенг китобхонлар оммасига бемалол ҳавола этиш мумкин. Зеро, уларда қаламга олинган масала ва мавзулар мутолаа қилувчига фақат ва фақат фойдали бўлиши шубҳасиздир.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



## ТУГАНМАС ЖАВОҲИР

*Психологик тадқиқотларга кўра, ўқувчилик даврида бола қизиқишлари ривожланиб, мураккаблашиб боради. Бунда амалиётчи — психолог ва бошланғич синф ўқитувчиларининг болани касбга йўналтирувчи фаолияти муҳим аҳамиятга эга.*

Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактабида бошланғич синфлар учун ташкил этилган касбга йўналтириш хонаси замон талаблари даражасида жиҳозланган бўлиб, йилдан-йилга мазмунан бойитилиб, болажонларга касбий ахборот бериш тобора яхшиланиб бораётир.

Олий тоифали педагог, халқ таълими аълочиси Дилором Кўчимованинг 3-«А» синфда одобнома фанидан «Ҳунар — туганмас жавоҳир» мавзуидаги дарс машғулотини қизиқиш билан кузатдик. Муаллима дарс аввалида дунёда касб-ҳунарлар кўплиги, ўғил-қизлар улардан ўзига ёққанини танлаши, бирор касбни эгаллаш учун қунт ва сабот билан ўқиб-ўрганиш кераклигини таъкидлаб, ўқувчиларнинг барчасига анкета саволларини тарқатди. Жавоблар тайёр бўлгунча магнитофон орқали «Нон нашидаси» қўшиғи эшиттирилди.

Шундан сўнг ўқувчилар бирин-кетин ўзлари яшаб турган «Гандумтош» маҳалласидаги турли касб эгалари ҳақида мароқ билан сўзлаб беришди. Машғулот сўнгида ўтилган дарс мавзуси мустаҳкамланди ва ўқувчиларнинг жавоблари изоҳланиб баҳоланди. Синфда бўш жой йўқ. Девор, жавон ва токчалар кўргазмалар билан лиммо-лим. Турли стенд, буклет, расмли албом, тарқатма материаллар сони 1500 га яқин. Энг муҳими, муаллима ҳар бир ўқувчига ўз имкониятига яраша топшириқ бериш тажрибасидан фойдаланади.

Дилором Кўчимова 28 йилдирки, болажонларга одобнома фанидан сабоқ бериб келмоқда. Унинг «Орзулар қанотида» ва «Ўйла, изла, фикрлашдан тўхтама» мусобақа дарс қўлланмалари педагоглар учун ҳам муҳим манбалардандир. Унинг бошланғич синфлар услуб бирлашмаси бошлиғи сифатида «Соғлом авлод — юрт келажаги», «Мақоллар, ҳикматли сўзлар ва пандномалар ҳақида», «Конституция — ҳаётимиз қомуси», «Китоб — билим манбаи» каби маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёш ва тиниб-тинчимас ўқитувчилардан Сайёра Ҳамроқулова, Насиба Иброҳимова ва Башорат Ҳасанова каби шогирдлари устоз билан ёнма-ён туриб, педагоглик касбини эъзозлаб келишмоқда.

Айни кунларда муаллима 1-4-синфларга дарс бериш баробарида улар билан «Мен орзу қилган касб», «Дунёда касблар кўп», «Ким бўлсам экан?» каби мавзуларда қизиқарли суҳбатлар, турли касб эгалари билан учрашувлар ташкил этаётир. Шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов ва ҳунарманд Садоқат Йўлдошева билан ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан Дилором Кўчимова ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди. Бу мукофот унинг ғайратига янада ғайрат қўшиб юборди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

Инсон азиз...

***Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф чақмоқдай чақнаб ўтган бўлса-да, катта адабий мероси билан халқимиз қалбида барҳаёт яшамоқда.***

## Чақмоқдай чақнаган умр

Тўрақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида ватаннинг оташин куйчиси Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

«Ёш адабиётчи» тўгараги аъзолари «Лолақизғалдоқ» ва «Қалдирғоч» гуруҳларига бўлиниб, хассос шоирнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан ўзаро беллашдилар. Шоир ҳаёти акс этган «Нонқовурдоқ» ва «Зоғора кулча» саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Ёш иқтидор соҳиблари шоир портретини чизишди. Мусиқа фани ўқитувчиси Б.Раҳимов унинг шеърлари асосида қўшиқлар ижро этди. Шоирнинг умр йўлдоши Назира ас-Саломнинг «Сиздан ўзга» шеърига куй басталаниб, иштирокчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Шу куни мактабда хотин-қизлар ўртасида волейбол мусобақаси ҳам ташкил этилди. Унда аниқ фанлар гуруҳи ғолиб бўлди. Ғолибларга таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Лобар РУСТАМОВА,**
**Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

## Холжон момонинг дуоси

*Навбаҳор туманининг «Келачи» маҳалласида бўлганимизда бу йил 102 баҳорни қаршилаган Холжон момо Ҳамроева ҳақида эшитдик. Улуғ неъмат саналган бундай ёш ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да.*

Холжон момодан узоқ яшаш сири ҳақида сўрагудек бўлсангиз, у киши биринчи бўлиб мақсадли меҳнат ва сабр-бардошлиликни тилга олади. Зеро чиндан ҳам оддий касб фидойиси учун бундан-да тўғри жавоб йўқдир.

Холжон момонинг ёшлиги, ҳаёт тарзи ҳозирги ёшларникидан анча фарқ қиларди. Бўз кўйлак енгини шимариб ер чопди. Буғдойни ўроқда ўриш, пахта чопиқ қилиш, ипак қурти етиштириш сингари ишлар у тенги хотин-қизларнинг ойлаб асосий вазифасига айлангани рост. Шулар баробарида, у турмуш ўртоғи Боқи Каримов билан 4 нафар фарзандни ҳам оқ ювиб, оқ таради, уйли-жойли қилди. Бугунги кунда момо 22 нафар невара, 42 чевара ҳамда 3 нафар эваранинг севимли бувижони бўлишдек бахтнинг соҳибаси бўлиб турибди.

Она диёримизда юз бераётган ўзгаришлар, осуда ва фаровон турмушни алқаб, момо доим дуода. Шундай кунларга етказганига шукроналар қилади.

Юз ёшдан ошган бўлишига қарамасдан Холжон момо ҳали анча тетик.

**Раъно ИСМАТОВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари Навбаҳор туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
N. Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20. 30

Buyurtma Г — 611

21554 nusxada bosildi

1 2 3 5